

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI**

**XORIJIY TILLAR FAKULTETI**

**FRANSUZ TILI VA ADABIYOTI KAFEDRASI**

**ZAMONAVIY FILOLOGIYA  
ILMI VA LINGVODIDAKTIKA  
MASALALARI**

**Respublika ilmiy-amaliy anjumani  
materiallari**

**11-iyun 2021-y**

**Qarshi – 2021**

Mazkur to‘plamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 2-martdagi 78-F sonli farmoyishiga asosan 2021-yil 11-iyun kuni o‘tkazilayotgan **“Zamonaviy filologiya ilmi va lingvodidaktika masalalari”** mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari o‘rin olgan.

To‘plamga filologiyaning bugungi kungacha dolzarb deb qaralayotgan tilshunoslik, adabiyotshunoslik, tarjimashunoslik va lingvodidaktika masalalariga oid maqolalar kiritilgan. To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarda tilning turli sohalari, jumladan, tilshunoslik, frazeologiya, stilistika, tilning grammatik qurilishi, sintaktik-semantik munosabatlar, tarjima nazariyasi va amaliyoti, chet tillar o‘qitish metodikasining dolzarb masalalari yoritilgan. Zamonaviy filologiya ilmiga oid ilmiy nashrlari bilan ilm ahli nazariga tushgan ustoz-olimlar: filologlar, pedagoglar, adabiyotshunos va tarjimashunoslar bilan bir qatorda, shu jabhalarda ilmiy kuzatishlarini endigina boshlagan tadqiqotchilar, magistrantlarning ham izlanish natijalari mazkur to‘plamda tartiblangan.

To‘plam filologiya mutaxassislari, tadqiqodchilar va mustaqil ishlanuvchi, shuningdek, tilshunoslik, adabiyotdabiyotshunoslik, tarjimashunoslik va chet tili ta’limi masalalari bilan qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo‘ljallangan.

#### **TAQRIZCHILAR:**

- Jabborov X.** – filologiya fanlari doktori (QarDU)  
**Qarshiboyeva U.** – filologiya fanlari doktori, professor (SamDCHTI)

#### **TAHRIR HAY’ATI**

- Nabiyev D.X.** – Qarshi davlat universiteti rektori  
**Xolmirzayev N.S.** – QarDU ilmiy ishlar va innovatsiyalar prorektori  
**Rizayev B.X.** – f.f.f.d. (QarDU)  
**Zoirova A.I.** – katta o‘qituvchi (QarDU)  
**Jo‘raqobilova H.** – s.f.n., katta o‘qituvchi (QarDU)  
**Qo‘shayeva G.S.** – katta o‘qituvchi (QarDU)  
**Bekmuradova Z.E.** – o‘qituvchi (mas’ul kotib) (QarDU)

**To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’uldirlar.**

quand on aborde une fable, comprendre toute la **portée symbolique**, parfois complexe des bêtes utilisées. Même si, bien souvent, la symbolique nous semble évidente notamment parce que La Fontaine est devenu très connu et que c'est par lui justement que la représentation symbolique des animaux est entrée dans les mœurs comme pour le lion, qui symbolise la puissance, la royauté, le pouvoir; le renard, la ruse, la duperie, l'intelligence malicieuse; le «loup», la violence et la cruauté; l'«âne», le travailleur, l'honnêteté, mais aussi la bêtise.

La **morale** expose le Bien et le Mal et s'oppose à l'immoralité. Au siècle de La Fontaine, la morale s'imposait à la conscience individuelle et collective. Elle faisait allusion aux actes de l'époque et notamment ceux à **la cour du roi Louis XIV**, surnommé «le Roi-Soleil». De nos jours, la morale permet au lecteur de réfléchir sur son comportement face aux autres et à la société, afin de prendre conscience de ses actes et paroles. Les fables de Jean de La Fontaine contiennent toutes une morale, explicite ou implicite, dans le but d'enseigner aux lecteurs du XVII<sup>e</sup> siècle notamment issus, pour la plupart, de la royauté, mais aussi aux lecteurs actuels. La portée des morales reste **universelle et intemporelle**.

Les Fables sont l'œuvre d'une vie. La Fontaine y déploie toute la fantaisie, toute la créativité, tout le talent dont il est capable. Il y montre son expérience, son savoir, mais aussi sa faculté à cerner les défauts des gens et de son époque. Loin de la littérature de divertissement, **c'est une œuvre de sagesse, presque philosophique**, que nous offre La Fontaine, et il faut la lire de cette manière-là. «Placere et docere», comme le suggérait déjà le philosophe Lucrèce, élève du matérialiste antique Épicure. C'est cette générosité, cette richesse de l'œuvre qui demeure et qui fascine toujours. Mais il serait dommage de s'arrêter à La Fontaine. Beaucoup d'autres auteurs ont écrit des fables, certains en écrivent encore, et il est non seulement intéressant de les comparer, mais aussi, simplement, de lire ce qu'ils ont à nous dire: Jean-Pierre Claris de Florian, Antoine Houdar de la Motte, Antoine Furetière ou encore Charles Perrault.

#### Adabiyotlar

1. XIX siècle, les grands auteurs français du programme. Anthologie et histoire littéraire. 2009.
2. «La Fontaine, en vers et contre tout», de Sylvie Dodeller, Médium, l'école des loisirs, 2017.
3. <https://www.ecoledeslettres.fr/articles/rechercher/> query La Fontaine.
4. <https://www.larousse.fr/dictionnaires/francais>.

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА АНТРОПОГОНИК КЎМАКЧИ ҚАҲРАМОНЛАР

Ахмедова С.Х.,

(БухДУ таянч докторанти)

Халқ оғзаки ижодида қаҳрамонлар масаласи дунё олимлари томонидан йиллар давомида ўрганиб келинади. Фольклор қаҳрамонларини икки асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

а) бош қаҳрамон;

б) кўмакчи қаҳрамон.

Рус олими Владимир Пропп бош қаҳрамоннинг бошига кулфат тушганда кўмакчи қаҳрамонга эҳтиёж туғилишини айтиб ўтади ва бу кўмакчини “донор” қаҳрамон деб атади. Баъзан донор бош қаҳрамонни аввалига синайди, топшириқлар, саволлар беради, синовдан ўтгади, шундан кейин унга ёрдам қўлини чўзади.[2;80]

Кўмакчи қаҳрамоннинг бир неча хил турлари мавжуд. Масалан, ҳайвон, қуш, илон, сеҳргар, мифологик образ, инсон киёфасида ва ҳ.к. Инсон кўринишидаги кўмакчилар икки хил кўринишда намоён бўлади:

а) авлиё кўмакчилар;

б) оддий инсон кўринишидаги кўмакчилар.

Хизматкорлар оддий инсон кўринишидаги кўмакчи-ҳомийлардан биридир. Улар кўпинча чўпон қиёфасида гавдалантирилгани кузатилади. Бош қаҳрамонларга кўмакчи бўлиб келган чўпонлар кучли, ақлли, кўпни кўрган, вафодор ва садоқатли, кўзи тўқ, ҳалол инсонлар сифатида тасвирланган. Бунга бевосита инглизларнинг “King John and the Abbot of Canterbury” (“Қирол Жон ва Кентербери роҳибни”) эртагидаги доно чўпон образини мисол қилиш мумкин. Зеро, ўқимаган, оми бир чўпон ўқимишли инсонлар кўлидан келмаган ишнинг уддасидан чиқиб, ўз хўжайини бўлмиш роҳибни кийин вазиятдан чиқаради ва унинг жонини сақлаб қолади.

Ҳикояда айтилишича, Қирол Жон ҳукмронлиги даврида Кентербери Аббати жуда ҳурматли инсонга айланибди, шохдан кўра кўпроқ ерга, мол-мулкка ва эътиборга эга бўлибди. Ҳар куни юз киши у билан овқатланиб, элликта башанг кийинган рицарлар уни ҳар куни кутишаркан. Қирол бу ҳолдан ғазабланиб, унинг қироллигида ўзидан-да ҳурматли ва азиз киши бўлишини тасаввурига сиғдиrolмабди ва роҳибни ёнига чақириб, унга учта савол билан мурожаат қилибди:

1. Ер қуррасининг маркази қаерда?
2. Ер юзини қанча вақтда айланиб чиқишим мумкин?
3. Мен нима деб ўйлаяпман?

Агар бир ҳафта ичида шу саволларга жавоб топмасанг, бошингни танангдан жудо қиламан, дебди қирол.

Роҳиб Оксфордга бориб, кўплаб ўқимишли инсонлардан ушбу саволларнинг жавобини сўрабди. Аммо ҳеч ким унга жавоб бера олмабди. Роҳиб уйига маъюс қайтаётганида, бир чўпон хўжайинидан нега хафалигини сўрабди. Аҳволни билгач: “Бардам бўлинг, роҳиб, балки, доно билмаганни нодон билар. Лондонга мана мен бораман, фақат кийим-бошингизни менга беринг, мени роҳиб деб ўйлашсин. Жуда бўлмаса, ўрнингизга ўлганим бўлсин”, – дебди. Роҳиб аввалига рози бўлмабди, лекин чўпон уни кўндирибди.

Чўпон саройга бориб, подшоҳнинг саволларига қуйидагича жавоб берибди:

1. Ернинг маркази шу ерда. Ишонмасангиз, ўлчаб кўринг, деб ўзи турган жойни кўрсатибди. Қирол қойил қолибди.

2. Агар қуёш билан бирга уйғониб, у билан тенгма-тенг юрсангиз, эртаси куни қуёш чиққунча ерни айланиб чиқасиз. – Қирол бу жавобга ҳам ҳайрон қолиб, шунчалик тез ерни айланиб бўларкан-да, деб тан берибди.

3. Сиз ҳозир мени роҳиб деб ўйлабсиз, аммо мен оддий чўпонман. Мени ҳам, роҳибимни ҳам авф этсангиз, шоҳим, деб устидаги кийимини ечибди.

Подшоҳ баланд овозда кулиб, чўпон уни ўз донолиги билан қойил қолдирганини ва уни роҳибнинг ўрнига тайинлашини айтибди. Лекин чўпон на ўқишни, на ёзишни билишини айтиб, бу таклифни қабул қилмабди. Подшоҳ унга совға-саломлар бериб, ҳар ҳафта тўртта зодагонни унинг хизматига юборишини, роҳибни ҳам кечирганини айтибди.

“Бир кўзга бир атиргул” номли инглиз халқ эртагида бош қаҳрамон бўлмиш ўғай қизга ўрмондаги қария чўпон ва от ёрдам беради. Уларнинг ёрдами билан қиз кўзлари қайтариб олади ва ўлимдан омон қолади.

Ўзбек халқ эртақларида ҳам оддий чўпон образида донолик ва ақл-заковат тимсолини кўриш мумкин. “Донишманд чўпон” эртагида бир подшоҳнинг отлари беда емай қўяди. Амалдорлар чўлдаги отларнинг кишнашини бунга сабаб қилиб кўрсатиб, чўнондан отларнинг оғзини боғлаб қўйишни буюради. Чўпон ўйлаб-ўйлаб, шаҳарга келади ва расталардаги ноғораларни бирма-бир ёра бошлади. Подшоҳ бунинг сабабини сўраганида, ҳозиржавоб чўпон подшоҳни сўз билан енгади, унинг йигирма-ўттиз чақирим наридаги отлар шаҳар ноғоралари овозига тек туриши ақлга сиғадими, деган саволига йигирма-ўттиз чақирим наридаги отларнинг кишнашлари шаҳардаги отларнинг беда емасдан ориқлашлари ҳеч ақлга тўғри келадими, дея жавоб бериб, подшоҳни лол қолдиради. Тила тилагингни, деганда подшоҳдан беш хўкиз терисидек келадиган ер сўрайди. Дўстларини чақириб, бешта хўкиз топишда ёрдам сўрайди ва хўкиз териларини арқондай узун қилиб кесиб, бутун шаҳарни ўраб олади. “Беш хўкиз терисидек ер берилсин” деб ёзилган васиқасини қайтариб олишга

уялган подшоҳ бутун шаҳарни чўпонга беришга мажбур бўлади ва чўпон тўртта дўсти ёрдамида подшоҳлик амалига эришади ва дўстларини ўзига ёрдамчи қилиб тайинлайди. Зиндонда ётган бегуноҳ камбағалларни озод этиб, юртини одиллик билан бошқаради.

“Чўпон Али” номли ўзбек халқ эртагида подшоҳ ўғли тоғда пайдо бўлган йирткич билан мардонавор олишиб, ҳалок бўлади. Ўғли ҳақида ким совуқ хабар келтирса, қорнини ёриб, қўрғошин қуяман, деган подшоҳга бу хабарни етказишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Сарой хизматкорлари тоғда яшовчи, сўзга чечан, кўшиқчи чўпон Алидан ёрдам сўрашади. Али дарахтдан дутор ясаб, бўлган воқеани кўшиқ кўринишида куйлаб беради. Юракни эзувчи бу кўшиқ ўғли ҳақидалигини англаган подшоҳ жаллодни чакириб, уларнинг қорнига қўрғошин қуйишни буюради. Бу хабарни сенга биз эмас, дутор етказди, демак, дуторнинг қорнига қўрғошин қуйишинг керак, дея донолик билан жавоб чўпон ўзини ва сарой хизматкорларини ўлимдан асраб қолади.

Инглиз ва ўзбек халқлари бир-биридан узоқ ўлкаларда яшаса-да, улар фольклорида муштарак жиҳатлар кўплаб топилди. Чунки, фольклор оддий халқ ижоди бўлиб, яхшилик, эзгулик, бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш каби қадриятлар миллатидан қатъий назар, барча халқларда улуғланади.

#### Адабиётлар:

1. Joseph Jacobs. English Fairy Tales and More English Fairy Tales. Edited by Donald Haase. –Oxford, – England, 1911.
2. Vladimir Propp. Morphology of the tale. – Leningrad, 1928.
3. Сунбул билан гул. Ўзбек халқ эртаклари. Тўпловчи С.Аввалбоев. – Тошкент, 2018.

### ФЕМИНИСТИК АДАБИЙ ТАНҚИД ВА АЁЛЛАР АДАБИЁТИ ФЕНОМЕНИ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*Зоирова А. (ҚарДУ)*

Феминистик лингвистиканинг илк кўринишлари ўтган асрнинг 30 йилларида Шимолий Европа ва АҚШда биринчи бўлиб кўзга ташланди. Европа олий таълим муассасаларида бу фан кириб бормаган ўқув юртининг ўзи қолмади. Мазкур фан турли хил номларда гендер лингвистикаси, феминистик лингвистика, аёллар адабиёти, адабиётнинг гендер аспекти каби бир қанча фанлар мазмунига сингдирилди. Феминистик лингвистиканинг энг асосий вазифаси қуйидагиларни ўрганишдан иборат:

- 1) аёл адибалар;
- 2) аёллар адабиёти;
- 3) аёл услуби.
- 4) аёл битиклари

Мазкур мавзу тадқиқи билан шуғулланган олимлар ҳам ўз навбатида феминистик адабий танқидни мазкур тамойилга асосланган ҳолда гуруҳлашга ҳаракат қилганлар. Элизабет Гросс аёллар адабиётининг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтади:

- 1) аёллар адабиёти – ёзувчи жинси назарда тутилган;
- 2) аёл китобхон – ўқувчининг қабул қилиши;
- 3) аёллар битиклари – аёллар томонидан ёзилган турли хил битиклар назарда тутилган;
- 4) аёллар автобиографияси – асосан матн мазмуни назарда тутилади<sup>3</sup>.

Э.Гросс санаб ўтган турларга яна қўшимча равишда қуйидагиларни киритиш мумкин.

Булар:

- 1) аёллар матни – бу адибалар томонидан шахсан яратилган матнлар;

<sup>3</sup> Elizabeth Grosz, Space, Time and Perversion: Essays on the Politics of Bodies. New York and London: Routledge, 1995. – P. 9.

25.	<i>Ismoilova M., Nuftillayev B.</i>	The role of tongue twisters on the improvement of fluency and pronunciation	47
<b>II SHU'BA: O'ZBEK VA JAHON ADABIY TANQIDCHILIGI MASALALARI</b>			
26.	<i>Қаршибаева У.Д.</i>	“Жан Сбогар” романидаги бир инсон тақдири	51
27.	<i>Rizayev B.X.</i>	Нажвийот оламнинг дарғалари	53
28.	<i>Qurbonov P.</i>	J.G.Bayronning «Kain» dramasida mistik-falsafiy talqinlar	55
29.	<i>Асадов М.Т.</i>	Жаҳон насри тарихида “ёлғизлик мотиви”нинг бадиий акс эттирилиши	57
30.	<i>Adizova O., Berdiyeva Z.</i>	Methode biographique dans les sciences sociales	59
31.	<i>Ganiyev F.</i>	Le but de la fontaine en écrivant les fables.	61
32.	<i>Ахмедова С.Х.</i>	Инглиз ва ўзбек фольклорида антропогоник кўмакчи қахрамонлар	62
33.	<i>А.Зоирова</i>	Феминистик адабий танқид ва аёллар адабиёти феномени борасида айрим мулоҳазалар	64
34.	<i>Алимов Т.Э.</i>	Лексика узбекской традиционной одежды в этнолингвистическом аспекте	
35.	<i>Березина Анна, Пулатова Н.А.</i>	Особенности англицизмов во французской публицистике	68
36.	<i>Бўриева Ф.Б., Қурбонов П.</i>	Шарқ эпик шеърлари ва ғарб драматургияси композицияси (В.Шекспир трагедияси ва Навоий достони мисолида)	70
37.	<i>Зокирова Г., Бекмуродова З.</i>	Аунӣ – о‘zbek va tojik xalqining o‘lmas siy mosi	72
38.	<i>Ёрбобоева М.Ш., Қувонova Ш.О.</i>	Фридрих Дюрренматт ижодида киноя таснифи	73
39.	<i>Алиқулова Д., Хикматова Д.</i>	Алишер Навоий ижоди шарқ олимларининг тадқиқот объекти сифатида	75
40.	<i>Алиқулова Д., Авазова Н.</i>	Алишер Навоий ижодий меросига француз олимларининг дастлабки ёндашувлари	76
41.	<i>Алиқулова Д., Ғайбуллаева Н.</i>	Имом ал-Бухорий ҳадисларида одоб-ахлоқ масалалари талқини	78
42.	<i>Ҳамзаев Х., Росулов И.</i>	Лафонтен ва Гулҳаний масалларининг баъзи бадиий хусусиятлари	80
43.	<i>Хайитов Ч.</i>	XIX аср биринчи ярми француз адабий жараёни	82
44.	<i>Алиқулова Д., Юлдошева Л.</i>	Бадиий адабиёт воситасида тил таълими тажрибасидан	83
45.	<i>Samadova N.</i>	Alikhantura Soguniy	85
46.	<i>Juraeva Sh., Farmonov N.</i>	Ayollarning jamiyatda o‘rnini belgilashda til va adabiyotning roli	87
<b>III SHU'BA: TILLARARO MULOQOT VA BADIY TARJIMADA MADANIYATLARNING O'ZARO TA'SIRI MASALALARI</b>			
47.	<i>Ёқубов Ж.А.</i>	Француз ва ўзбек тилларида таржима санъатига доир баъзи мулоҳазалар	89
48.	<i>Zoirova A.I., Rahmatullayeva L.</i>	Fransuz tilidagi maqol va matallarning tarjimasi muammolari	93
49.	<i>Чинибаев Х.</i>	Таржима муаммолари ва уларнинг таснифи	96

**ILMIY NASHR**

**ZAMONAVIY FILOLOGIYA  
ILMI VA LINGVODIDAKTIKA  
MASALALARI**

**Respublika ilmiy-amaliy anjumani  
materiallari**

**11-iyun 2021-y**

Texnik muharrir:  
Musahhih:

J. Rahmatov  
M. Primova

Terishga 05.06.2021 yilda berildi. Bosishga 08.06.2021 yilda  
ruxsat etildi. Bichimi 84x108 1/8. Nashr bosma tabog‘i 14,56.  
№ 44–buyurtma. 50 nusxada. Erkin narxda.

Qarshi davlat universiteti  
kichik bosmaxonasida bosildi.

Qarshi shahri, Ko‘chabog‘ ko‘chasi, 17-uy.